

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА  
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.Tib.62.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА  
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ХАМРОЕВ ФАРХОД ШАРАФОВИЧ**

**БОЛАЛАР ЦЕРЕБРАЛ ФАЛАЖИ СПАСТИК ШАКЛЛАРИДА ОЁҚ  
КОНТРАКТУРА ВА ДЕФОРМАЦИЯЛАРИНИ МАЖМУАВИЙ  
ДАВОЛАШ**

**14.00.22 – Травматология ва ортопедия**

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ– 2019**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)**  
**Contents of the abstract of Doctoral (DSc) Dissertation**

**Хамроев Фарход Шарафович**

Болалар церебрал фалажи спастик формаларида оёқ контрактура ва деформацияларини мажмуавий даволаш..... 3

**Хамроев Фарход Шарафович**

Комплексное лечение контрактур и деформаций нижних конечностей при спастических формах детского церебрального паралича..... 23

**Khamroev Farkhod Sharafovich**

Combined treatment of contractures and deformities of the lower extremities in spastic forms of cerebral palsy .....45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 49

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА  
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.Tib.62.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА  
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ХАМРОЕВ ФАРХОД ШАРАФОВИЧ**

**БОЛАЛАР ЦЕРЕБРАЛ ФАЛАЖИ СПАСТИК ШАКЛЛАРИДА ОЁҚ  
КОНТРАКТУРА ВА ДЕФОРМАЦИЯЛАРИНИ МАЖМУАВИЙ  
ДАВОЛАШ**

**14.00.22 – Травматология ва ортопедия**

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ– 2019**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.DSc/Tib386 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.uzniito.uz](http://www.uzniito.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Хамраев Шаҳоб Шамсиевич**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Умнов Валерий Владимирович**

тиббиёт фанлари доктори

(Россия Федерацияси)

**Саттаров Алишер Рахимович**

тиббиёт фанлари доктори

**Ахмедиев Махмуд Мансурович**

тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.28.02.2018.Tib.62.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100147, Тошкент шаҳри, Маҳтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30; факс: (+99871) 233-10-30; e-mail: [niito-tashkent@yandex.ru](mailto:niito-tashkent@yandex.ru), Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100147, Тошкент шаҳри Маҳтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30; факс: (+99871) 233-10-30.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.

(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.Ж. Азизов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**У.М. Рустамова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,  
тиббиёт фанлари номзоди, катта илмий ходим

**И.Ю. Ходжанов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзуси долзарблиги ва зарурати.** Болалар церебрал фалажи (БЦФ) кенг учраши ва долзарблиги жиҳатидан юқори ўринларнинг бирини эгаллайди. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти маълумотларига кўра, «дунёда 1000 та туғилган чақалоқларнинг 1-2 тасида БЦФ учраши, АҚШда 2008 йилдан олдин 1:278, ундан кейинги даврда 1:666 нисбатда БЦФ ташхисланиши»<sup>1</sup> аниқланган. Ушбу касаллик таянч-ҳаракат тизими фаолиятининг бузилиши ва чегараланиши, ўз-ўзига хизмат қилиш даражасининг пасайиши, қўшимча таянч ёрдамга мухтожлик каби тиббий-ижтимоий қийинчиликларга сабаб бўлади ва оғир ногиронликка олиб келиши туфайли болаларда ҳаёт сифатини сезиларли даражада пасайтиради.

Жаҳон миқёсида БЦФ бўлган беморларнинг қўл-оёқларидаги контрактураларини ташхислаш ва хирургик даволашнинг юқори самарали усулларини ишлаб чиқиш борасида қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Сон суягининг дистал қисмида остеотомия қилиш, оёқ панжаси соҳасида коррекцияловчи остеопластика усулларини ва бошқа ортопедик хирургик даволаш усулларни ишлаб чиқиш борасида тадқиқотлар ўтказилмоқда. Болдир мушак ва нервларининг тонусини камайтириш имконини берувчи миопластика ва нейроэктомия хирургик усуллари такомиллаштирилмоқда, миорелаксант препаратларини ишлаб чиқиш ва спастик мускулларни тракцион таъсир ёрдамида даволаш усуллари яратилмоқда. Ясси вальгусли деформацияларни даволашда оёқ панжаси ҳаракатчанлигини сақлаб қолган ҳолда бажариладиган артродез усулларини такомиллаштириш ва компьютер-томографик функционал текшириш услубларини ривожлантиришга илмий ёндашиш доирасида тадқиқотлар олиб борилмоқда. БЦФда чаноқ-сон бўғими ностабиллиги, тизза бўғимининг букувчи контрактураси, оёқ товонининг эквинусли деформацияларини коррекция қилишнинг мураккаблиги, операциядан кейинги даврда таъсир қилувчи хавф омилларининг мавжудлиги ушбу муаммонинг долзарблигини ва тадқиқотларни давом эттириш эҳтиёжини оширади.

Мамлакатимизда имконияти чекланган болаларга кўрсатилаётган тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш, касалликнинг юқори технологик диагностикаси ва даволашнинг ортопедохирургик ёндашувларга оид илмий изланишлар олиб борилмоқда. Уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш, шу жумладан «ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш»<sup>2</sup> муҳим ҳисобланади. Бу борада ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни, шу жумладан диагностика ва даволаш усулларини такомиллаштириш, реабилитацияда замонавий ускуналарни тадбиқ этиш ҳисобидан болалар ногиронлигини олдини олиш ва бартараф этиш, шунингдек, ўз вақтида

<sup>1</sup> World Health Organization website <https://www.who.int/mediacentre/news/releases/2014/world-health-statistics.../ru/> <http://www.tsr-portal.ru/news/Statistika-zabolevanij/> Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти маълумоти.-Женева, 15 май 2014 й.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги ПФ-5270-сон “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони

кўрсатилган тиббий хизмат беморлар ҳаёт сифатини оширишда муайян аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 декабрдаги ПҚ-3440-сон «2018-2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дастури тўғрисида», 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2071-2021 йилларда ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ амалга оширилган.

**Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи**<sup>3</sup>. БЦФ касаллигини ташхислаш ва даволаш масалаларига оид тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий тиббиёт марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Nemours Alfred I. du Pont Hospital for Children (АҚШ), Cerebral Palsy and Spasticity Center (АҚШ), Universitat Basel Children Spitale (Швейцария), Abromiskes Rehabilitation Center (Литва), Medipol клиникаси реабилитация бўлими, Romatem hospital реабилитация ва физиотерапия маркази (Турция), Suraski in Reuth Rehabilitation Center (Исроил), Rehabilitation of cerebral palsy in Reuth Rehabilitation Center (Исроил), The Royal Children's Hospital Melbourne (Австралия), Centro Medico Teknon (Испания) клиникалари, В.Г.Турнер номли Болалар ортопедияси илмий-тадқиқот маркази, Г.А. Альбрехт номли ногиронлар реабилитацияси Федерал илмий маркази, Рухий-асаб ногиронлиги профилактикаси ва даволаш илмий-терапевтик маркази (Россия Федерацияси), У.Қ. Қурбонов номли Республика болалар рухий-асаб касалхонаси, Республика болалар ортопедия маркази, Тошкент врачлар малакасини ошириш ва Тошкент педиатрия тиббиёт институтларида (Ўзбекистон Республикаси) олиб борилмоқда.

Жаҳонда БЦФ касаллигини ташхислаш, ортопедик ва хирургик даволаш, ТБТЭ компонентларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш, жарроҳлик асоратларининг олдини олиш бўйича қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: чаноқ-сон бўғими ностабиллигини суяк остеотомияси йўли билан даволаш усуллари такомиллаштирилган (Harvard medical school, АҚШ; Миллий тиббиёт илмий тадқиқот маркази, Россия Федерацияси); букувчи мушаклар антагонист мушак-пайларининг кучини оширишга қаратилган жарроҳлик усуллари ишлаб чиқилган (Universitat Basel Children Spitale, Switzerland); умуртқа поғонаси ва оёқ-қўл мушаклари спастикаси ҳамда дистониясини узоқ муддатга камайтириш мақсадида баклофен помпали

---

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи <http://neuro.uz/> <http://www.dissercat.com/content/> [https://en.wikipedia.org/wiki/Cerebral\\_palsy](https://en.wikipedia.org/wiki/Cerebral_palsy) , <https://www.cerebralpalsy.org/> <https://www.cerebralpalsy.org/about-cerebral-palsy> <http://www.dissercat.com>. <http://medical-diss.com/medicina/> <https://www.birthinjuryguide.org/cerebral-palsy/> ва бошқа сайтлар асосида тайёрланган.

интратекал имплантацияси, орқа мия селектив ризотомияси, базал ганглияларидаги стереотаксик операциялар (Рамбам тиббиёт маркази болалар клиникаси, Исроил); умуртқа поғонаси орқа мия нерв тугунларининг селектив неврэктомияси, оёқ панжасининг эквинусли, эквиноварусли ва эквиновальгусли деформацияларини коррекция қилиш усуллари таклиф қилинган (В.Г.Турнер номли Болалар ортопедияси илмий-тадқиқот маркази, Россия Федерацияси); оёқ панжаси юмшоқ тўқималаридаги постоперацион жароҳатларни камайтиришга ва асоратлар профилактикасига қаратилган кичик кесим ёрдамида бажариладиган каминвазив жарроҳлик услублари такомиллаштирилган (Болалар психоневрология ва психология маркази, Россия Федерацияси); беморларнинг физик, психологик ва рухий ўзгаришларига таъсир қилиш йўли билан соғлиқни тиклашнинг нотрадицион усуллари (Тибет тиббиёти Давлат маркази, Хитой); акупунктура, остеопатия, мануал терапия ва рефлексотерапия каби синергик рефлексотерапиянинг мажмуавий усуллари (БЦФ беморлари реабилитацияси маркази, Германия); тизза бўғимининг букувчи контрактурасини ортопедик ва жарроҳлик усулларда коррекция қилиш услубларининг такомиллаштирилган вариантлари (Romatem hospital rehabili-tation centre, Turkey) ва рекурвация асоратини олдини олиш операциялари (Cerebral Palsy and Spasticity Center, USA) таклиф этилган; тизза қопқоғи хусусий пайини қисқартириш усулига ўзгартиришлар киритилиб, тизза бўғимининг букувчи-ёзувчи контрактураси профилактикаси исбот қилинган (Universitat Basel Children Spitale, Switzerland).

Ҳозирги кунда жаҳонда БЦФ диагностикаси ва даволаш усулларини такомиллаштириш ҳамда натижаларини яхшилаш бўйича қатор устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда, жумладан: биомеханик моделлар видеоанализи ёрдамида касалликнинг ривожланиш босқичларини аниқлаш, нейромиография ва компьютерли стабиллография усулларини такомиллаштириш; клиник ва нейрофизиологик босқичли диагностикаси ва индивидуал реабилитация усулларини яратиш; оёқ мушаклари тонусини ҳамда деформациясини камайтиришга қаратилган ботулинотерапия, ортезлар, босқичли гипслаш ва мионеврал блокадалардан иборат ортопедик консерватив даволашнинг оптимал усулларини ишлаб чиқиш; мушаклардаги спастиканинг босқичи ва оғирлик даражасига кўра бажариладиган нерв ҳаракат тугунлари неврэктомияси, селектив дорсал ризотомия, сурункали эпидурал стимуляцион даволаш усулларини танлаш критерийларини аниқлаш; букувчи контрактураларни даволаш учун қўлланиладиган соннинг дистал остеотомияси, болдир суякларни коррекцияловчи остеопластикаси, пай-мушакларни реинсерциялаш жарроҳлик услубларини такомиллаштириш; оёқ контрактура ва деформацияларини бартараф этиш, бўғимдаги ҳаракатларни самарали тикловчи кичик кесимли операция усулларини ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон адабиётлари тахлили кўрсатадики, БЦФ касаллигини даволашда баъзи муаллифлар мажмуавий дори-дармонли усулни қўллаш самарадорлигини ёқлашса, бошқалари жарроҳлик усулининг фойдалироқ эканлигига эътиборни қаратишади (Умнов В.В., Кенис

В.М., 2009й.; Артеменко А.Р., Куренков А.Л., 2013; Totah D et all., 2019). Невролог ва ортопедларнинг бу масаладаги ҳар хиллик ёндашуви касалликни даволаш масаларида ижобий ўзгаришлар бўлишига тўсқинлик қилмоқда. Бунинг натижасида, 43% бемор болаларнинг 3-4 ёшлиги вақтида оёқ-қўлларида контрактура ва деформацияларнинг ривожланишига сабаб бўлмоқда, бу эса кейинги даврда жаррохлик амалиётини қўллашни талаб этмоқда (Клочкова О.А. ва бошқалар, 2018). БЦФ касаллигида қўлланиладиган жаррохлик амалиётлари нейрожаррохлик (гипертонусни камайтириш) ва ортопедик (контрактура ва деформацияларни даволаш) йўналишларига бўлинади. Бунда мушак тонусини камайтириш меъерини олдиндин аниқлаш, даволанишнинг узок муддатдаги натижаларида крауч-синдроми ва бошқа асоратлар ривожланмаслиги катта аҳамиятга эгадир (Brunner R., 2014; Kadmin M., Miller F., 2014).

Мамлакатимизда БЦФ билан оғриган болаларни ташхислаш ва даволаш усуллари такомиллаштириш мақсадида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: суяк-мушак системасидаги ўзгаришларни аниқлаш мақсадида бош суяги ва чаноқ-сон бўғимлари чуқур рентгенологик текширишлардан ўтказилган, касаллик натижасида суяк тўқималарида остеопороз борлиги, бўғимларда дисплазия ривожланиши аниқланган (Шаварин Б.В., 1973); мушак тонусининг ошиш сабаблари аниқланиб, БЦФ шаклига нисбатан ўзгаришлар тахлил қилинган, уларни даволашнинг оптимал усули таклиф этилган (Нурматова Ш.О., 2011); товоннинг эквинусли деформациясининг жаррохлик коррекциясидан кейинги рецидив сабаблари ўрганилиб, асоратларнинг олдини олиш мақсадида такомиллаштирилган операция усули ишлаб чиқилган ва унинг самарадорлиги исботланган (Мирзаев А.Г., 2012).

Бугунги кунда, БЦФ муаммоси билан шуғулланадиган чет эл тиббий муассасаларида касалликни ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш (Davids JR., 2010; Ostojic K, Paget SP, Morrow AM., 2019), хусусан, уларнинг стандартини ишлаб чиқиш, компьютерлаштирилган биомеханик текширишларнинг самарадорликни оширишдаги ролини кўпайтириш (Chang F.M. et al., 2010), кам жаррохли ва қисқа муддатли жаррохлик амалиётларини ишлаб чиқиш (Ganjwala D., 2011), жаррохликдан кейинги тиклаш муолажаларини такомиллаштириш масаласида илмий изланишлар олиб борилмоқда (Nilsson S. et all., 2011; Hoiness PR, Capjon H, Loftæd B., 2014).

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Травматология ва ортопедия ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АДСС 15.7.3-сон «Болаларда ҳаракат-таянч тизими жароҳат асоратлари ва туғма деформацияларини ташхислаш ва даволаш усуллари ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш» грант лойихаси доирасида (2015-2017 й.й.) бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** БЦФ билан оғриган болаларда оёқ контрактура ва деформацияларини ташхислаш, даволаш усулларини такомиллаштириш ҳамда уларнинг ижтимоий мослашув кўникмаларини яхшилашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

клиник, нейрофизиологик ва биомеханик текшириш усуллари асосида БЦФ билан оғриган болаларда кузатиладиган оёқ деформациялари вариантларини аниқлаш;

БЦФ босқичи ва оғирлик даражасига кўра ортопедик ва жаррохлик усулларини қўллаш критерийларини аниқлаш;

БЦФ спастик шаклини ортопедик консерватив даволашнинг оптимал усулини ишлаб чиқиш;

БЦФ спастик шаклида жаррохлик усулларида кейин оёқ контрактура ва деформацияларининг қайталанишига олиб келувчи сабабларни аниқлаш;

БЦФ спастик шаклида оёқ контрактура ва деформацияларини жаррохлик даволаш усулларини такомиллаштириш;

БЦФ беморларида товон эквинусли деформациясини жаррохлик усулида даволашнинг оптимал вариантини аниқлаш;

даволаш самарадорлигини аниқлашнинг умумий баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш ва унинг асосида ортопедик консерватив ва жаррохлик усулларининг натижаларини қиёсий таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2001-2017 йиллар давомида У.К.Қурбонов номли Республика болалар рухий-асаб касалхонасида БЦФнинг спастик шакли билан даволанган 390 та бемор болалар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида болаларда БЦФнинг клиник текширувлари, рентгенорадиологик, нейрофизиологик, биомеханик ва статистик текширув усулларининг натижалари олинди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мақсади ва қўйилган вазифалар ечимига эришиш мақсадида клиник, рентгенологик, магнит-резонанс-томография (МРТ), электроэнцефалография (ЭЭГ), электронейромиография (ЭНМГ), базометрик, плантографик, ихнографик, гониометрик ва динамометрик усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

БЦФ бўлган болаларда соннинг ички ротаторларини қисман кесиб узайтириш ва бўғим олд капсуласини П-симон кесиш йўли билан чаноқ-сон бўғими ички ротацион контрактурасини буткул бартараф этиш имконини берувчи хирургик даволаш усули ишлаб чиқилган;

БЦФ бўлган болаларда тизза бўғимининг оғир даражали букувчи контрактураси ва оёқ панжаси эквинусли деформациясини бартараф этиш мақсадида бўғим орқа капсуласининг Z-симон кесими таклиф қилинган;

БЦФ бўлган болалар ҳаракат тизимидаги бузилишлар диагностикасини такомиллаштирувчи ишлаб чиқилган оёқ панжаси ангулодинамометрияси учун курилма даволашдан олдин ва кейинги натижаларни таққослаш имконини бериши исботланган;

БЦФ бўлган болаларда чаноқ-сон ва тизза бўғимларини МРТ текширишлари асосида аниқланган бўғим капсуласининг қалинлашиши ва

дағаллашиши каби ўзгаришлари букувчи контрактураларнинг хирургик коррекциядан кейинги узок муддатдаги қайталаниш омиллари эканлиги исботланган;

БЦФ бўлган болаларда чаноқ-сон, тизза ва болдир-товон бўғимларидаги контрактураларни мушаклардаги тонус ҳолати ҳамда ҳаракатлар даражасини белгиловчи диагностик мезонлардан фойдаланган холда ташхислаш ва даволаш тактикаси таклиф қилинган;

БЦФ бўлган болаларда товон эквинусли контрактураси рецидивларини профилактика қилиш мақсадида ишлаб чиқилган икрасимон мушакни апоневротик узайтириш тактикаси узок муддатдаги асоратларнинг ва тиббал синдромнинг ривожланишини олдини олиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

БЦФ бўлган болаларда оёқ деформациялари вариантларини аниқлашда клиник, биомеханик, нейрофизиологик ва рентген-радиологик текшириш натижалари асосида ортопедик консерватив ва жарроҳлик даволаш усулини танлаш критерийлари таклиф этилган;

БЦФ бўлган болаларда бўғимларни МРТ ёрдамида текшириш натижаларидан фойдаланиб, юмшоқ тўқима ҳолатига тўғри баҳо бериш ҳамда жарроҳлик усулини танлаш асосида контрактурани тўлиқ тўғриланиши исботланган;

БЦФ бўлган болаларда тизза бўғими букувчи контрактураси қайталанишининг капсулани сабабини бартараф этилиши имконини берувчи хирургик даволаш усули тавсия этилган;

БЦФ бўлган болаларда соннинг ички ротацион контрактураси рецидиви ривожланишини камайтирувчи жарроҳлик даволаш усули тадбиқ этилган;

БЦФ бўлган болаларни даволаш функционал натижаларини баҳолаш имконини берувчи оёқ панжаси ангулодинамометрияси учун ишлаб чиқилган мосламани қўллаш йўли билан аниқлаш тавсия этилган;

БЦФ бўлган болаларда спастик шаклининг қотмаган контрактураларида ботулотоксин дорисини инъекцион усули самарадорлиги исботланган, бунда мушакларнинг 4 ойдан 6 ойгача бўлган муддатга бўшашиш ва реабилитация ўтказиш имкониятини берган;

БЦФ бўлган болаларда тикланиш муддатини қисқартириш ва асоратлар сонини камайтириш имконини берувчи реабилитация услуги тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** илмий ишда қўлланилган усуллар, назарий ёндашув ва клиник тадқиқотлар услубий жиҳатдан тўғрилиги, тадқиқот беморлари сонининг етарлилиги, клиник-инструментал текширувлар қўлланилиши, олинган натижаларнинг статистик таҳлиллар ёрдамида тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти БЦФ бўлган болаларда контрактуранинг қайталаниш омилларини бартараф этиш имконини берувчи чаноқ-сон бўғими ротацион даволаш усули ва оёқ панжаси ангулодинамометрияси учун ишлаб чиқилган қурилма ёрдамида ташхислаш тактикаси; тизза бўғими букувчи контрактурасида ва оёқ панжаси эквинусли деформациясида даволаш

самарасини ошириш имконини берувчи бўғим орқа капсулалари кесими; оёқларнинг қотмаган ва қотган контрактураларини ташхислаш ва даволаш кетма-кетлиги тартиби, жаррохликдан кейинги уч босқичли реабилитация тактикаси илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти БЦФ бўлган болаларда даволаш усулини танлаш критерийлари таклиф этилганлиги; бўғимларни МРТ ёрдамида текшириш натижаларидан фойдаланиб, юмшоқ тўқима холатига тўғри баҳо бериш ҳамда жаррохлик усулини танлаш асосида контрактурани тўлиқ тўғриланишига эришилганлиги; тизза бўғими букувчи контрактурасини ва соннинг ички ротацион контрактурасини жаррохлик даволаш усуллари тадбиқ этилганлиги ва деформация қайталанишининг капсулага боғлиқ сабаби бартараф этилиши; жаррохликдан кейинги даврда реабилитация қилиш босқичлари таклиф этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Болаларда БЦФни ташхислаш ва даволаш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

«Болалар церебрал фалажи бўлган беморларда оёқ контрактура ва деформацияларини даволаш усулини танлаш» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 20 майдаги №8н-д/39-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома БЦФ касаллигининг ортопедик ва жаррохлик усулларида даволаш тактикасини оптималлаштириш имконини берган;

«Болалар церебрал фалажи бўлган беморларида тизза бўғими букувчи контрактурасини жаррохлик коррекциялаш» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 20 майдаги №8н-д/39-сон маълумотномаси). Таклиф этилган усуллар жаррохлик амалиётлардан кейинги даврда бўғим контрактураларининг қайталанишини олдини олиш ва асоратларни камайтириш имконини берган;

Ишлаб чиқилган «Болалар церебрал фалажи касаллигида чаноқ-сон бўғими ротацион контрактурасини даволаш усули» учун Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP 04076-сон патент, 2009 йил). Таклиф этилган усулни қўллаш БЦФ бўлган болаларни даволашнинг яқин ва узок муддатли натижаларини яхшилаш, операциядан кейинги асоратлар частотасини қисқартириш имконини берган;

Болаларда БЦФни ташхислаш ва даволашни ўрганиш жараёнида олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан Республика болалар рухий-асаб касалхонаси, Республика болалар таянч-харакат тизими касалликларини даволаш маркази ва Республика болалар ортопедияси маркази амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 12 апрелдаги 8н-з/47–сон маълумотномаси). Олинган натижалар асосида операциянинг узок муддатлардаги салбий натижалари 95,2% га камайгани ҳамда реабилитация жараёнининг муддати 1,5 бараварга қисқарилиши таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 19 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 таси халқаро ва 17 таси республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 53 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 18 мақола, жумладан 16 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва хажми.** Диссертация кириш қисми, 6 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг хажми 190 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари, республика фан ва технология ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Церебрал фалажи бўлган болаларда оёқ деформацияси ва контрактураларини ортопедик-жаррохлик усулида даволашнинг замонавий муааммолари»** деб номланган биринчи бобида БЦФ эпидемиологияси, таснифи, клиникаси, оёқ контрактура ва деформацияларини ортопедик консерватив ва жаррохлик усулларида даволаш, уларнинг натижалари тавсифланган. Бу бобда болалар невролог ва ортопедлари учун БЦФни ташхислаш-даволашнинг ягона тизими йўқлигига, даволаш усулларининг узок муддатдаги асоратлари сабаблари ўрганилмаганлигига урғу берилган, мулоҳазага хос ва ечилмаган масалалар, уларнинг ечими ишлаб чиқиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Боб қисқа хулоса билан яқунланган.

Диссертациянинг **«Клиник материал ва қўлланилган текшириш усуллари характеристикаси»** деб номланган иккинчи бобида текшириш объекти ва усуллари кўрсатилган, уларга қисқача тушунтириш берилган. Беморларнинг 210 таси (53,8 %) ўғил бола ва 180 таси (46,2%) қиз бола, уларнинг ўртача ёши  $7,65 \pm 1,58$  бўлган. БЦФ шакллариغا биноан спастик диплегия – 314 та (80,5%) бемор, болалар гемиплегияси – 76 та (19,5%). Беморлар 10 – Халқаро Касалликлар Таснифи (ХКТ) бўйича тақсимланган. (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Беморларнинг 10 – ХКТ бўйича тақсимланиши

Касаллик шакли (10-ХКТ)	Ўғил бола		Қиз бола		Жами	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Спастик диплегия:						
А) икки томонлама	168	$43,1 \pm 2,5$	146	$37,4 \pm 2,5$	314	$80,5 \pm 2,0$
Б) бир оёқнинг кўпроқ жарохати билан	25	$6,5 \pm 1,2$	12	$3,1 \pm 0,9^*$	37	$9,9 \pm 1,5$
Болалар гемиплегияси	42	$10,7 \pm 1,6^{\wedge}$	34	$8,8 \pm 1,4^{\wedge}$	76	$49,5 \pm 2,5^{\wedge}$
Жами	210	$53,8 \pm 2,5$	180	$46,2 \pm 2,5^*$	390	100


Бирламчи кўриқда беморларнинг асосий қисмида ҳаракат-таянч фаолиятининг ўрта (53,8%) ва оғир (38,0%) даражаларидаги бузилишлари кузатилган. Касалликнинг ўртача даражаси ўғил болаларда (29,2%) қиз болаларга (24,6%) нисбатан кўпроқ ташхисланган (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Беморларнинг оғирлик даражасига биноан тақсимланиши

Беморлар жинси	Енгил		Ўртача		Оғир		Жами	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Ўғил бола	19	4,9±1,1	114	29,2±2,3 <sup>^</sup>	77	19,7±2,0 <sup>^&amp;&amp;</sup>	210	53,8±2,5
Қиз бола	13	3,3±0,9	96	24,6±2,2 <sup>^</sup>	71	18,3±2,0 <sup>^&amp;</sup>	180	46,2±2,5 <sup>*</sup>
Жами	32	8,2±1,4	210	53,8±2,5 <sup>^</sup>	148	38,0±2,5 <sup>^&amp;&amp;&amp;</sup>	390	100

Текшириш усулларида кўйидагилари қўлланилди: нейроортопедик кўриқ, мушак кучи ва спастиклик даражасини аниқлаш, диагностик тестлар, рентгенография, МРТ, биомеханик ва нейрофизиологик текшириш усуллари, ангулодинамометрия, ахилл пайини узайтириш миқдорини олдиндан аниқлаш. Мушаклар кучи 6 баллик мезонда аниқланди: мушак кучи тўлиқ - 5 балл; кучнинг енгил камайиши - 4 балл; мушак кучининг ўртача меъёрда камайгани - 3 балл; оғирлик кучини йўқотгандан кейинги ҳаракатлар ҳажми - 2 балл; мушакларнинг енгил кимирлаши - 1 балл; фаол ҳаракатларнинг тўлиқ эмаслиги - 0 балл (1-расмга қаранг). Электроэнцефалографик (ЭЭГ) ва эхоэнцефалоскопик (ЭхоЭС) текширишлар 268 та (68,7%) беморда ўтказилган, электронейромиография (ЭНМГ) усулида 106 та беморнинг 212та мушаги текширилган. Кўрсатмасига асосан чаноқ-сон бўғими (ЧСБ) рентген текшируви 54 та беморда, тизза бўғими (ТБ) - 32, болдир-поён бўғими (БПБ) - 64 беморда ўтказилган.



1-расм. Ashworth шкаласи бўйича беморларнинг тақсимланиши

Болдир мушакларининг чўзилувчанлик кучини ва эквинус даражасини аниқлаш мақсадида ангулодинамометрик мослама ишлаб чиқилган (FAP 00596-сон патент). Ангулодинамометрик текширишлар 45 та беморда ўтказилган.

Даволаш самарадорлигини аниқлаш учун биомеханик текширишлар - базометрия, гониометрия, плантография, ихнография ўтказилган.

Ҳаракат фаолияти бузилишига қараб беморлар 2 та гуруҳга бўлинди: I гуруҳ (178 бемор) - ортопедик консерватив усуллар қўлланилган; II гуруҳ (212) - жаррохлик амалиёти бажарилган. Ортопедик усуллардан қуйидагилар қўлланилган: ботулотоксин-А дорисини санчиш (диспорт, ВТХА) – 75 бемор, спирт-новокаинли блокада– 32, консерватив+босқичли гипслаш – 71 (кузатув гуруҳи) (3-жадвалга қаранг).


3-жадвал

Қўлланилган даволаш усулларига кўра беморларнинг бўлиниши

Даволаш усуллари		Ўғил бола		Қиз бола		Жами	
		абс.	%	абс.	%	абс.	%
I гуруҳ	БДС	40	22,5	35	19,7	75	42,2
	СБ	14	7,8	18	10,1	32	17,9
	БГ	40	22,5	31	17,4	71	39,9
Жами		94	52,8	84	47,2	178	100
II гуруҳ	МПТО	86	40,6	58	27,3	144	67,9
	АТО	19	9,0	23	10,8	42	19,8
	СТО	11	5,2	15	7,1	26	12,3
Жами		116	54,7	96	45,3	212	100

Изоҳ: БДС – ботулотоксин-А дорисини санчиш, СБ – спирт-новокаинли блокада, БГ – босқичли гипслаш, МПТО – мушак-пай тўқималаридаги операциялар, АТО – асаб тўқималаридаги операциялар, СТО – суяк тўқималаридаги операциялар.

Ботулотоксин-А дорисини юбориш. 48 ҳолатда ВТХА, 27 тасида Диспорт қўлланилган. Беморларнинг 40 таси ўғил бола, 35 таси қиз бола, ўртача ёши  $6,2 \pm 4,1$  (2,1 дан 10,3 гача), улардан 62 та бемор спастик диплегия, 12 таси гемиплегия ва 1 бемор аралаш шакли билан бўлган. Ботулотоксин дориси мушакларга ўртача қуйидаги миқдорда юборилган: трапециясимон, елка икки бошли мушаги ва кўкрак катта мушагига - 4 бирлик/кг; сонни яқинлаштирувчи ва болдирни букувчи мушакларга - 6 бирлик/кг; икрасимон мушакка - 8 бирлик/кг (2-расмга қаранг).



2-расм. Ботулотоксин-А санчишлари ўтказилган нуқталар

Оёқ деформацияларини коррекциялаш учун жаррохлик амалиёти усуллари кенг миқёсда қўлланилган. Операциялар босқичли симметрик бўғимларда бажарилган (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

Жаррохлик усулларига караб беморларнинг тақсимланиши

Жаррохлик усуллари	Операциялар сони				Жами	
	Ўғил бола		Қиз бола			
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Сон яқинлаштирувчи мушакда (СЯМ)	22	3,1±0,65	14	2,0±0,53	36	5,1±0,83
СЯМ ва неврэктомия	128	18,0±1,4	132	18,6±1,5	260	36,6±1,8
Сонни букувчи мушакларда	0	0	5	0,7±0,31*	5	0,7±0,31
Сонни ички ротаторларида (СИР)	3	0,4±0,24	6	0,8±0,33	9	1,2±0,41
СИР ва капсулотомия	6	0,8±0,33	11	1,5±0,46	17	2,3±0,56
Болдир букувчи мушакларида (ББМ)	49	6,9±1,0	44	6,2±0,91	93	13,1±1,3
ББМ ва капсулопластика	12	1,6±0,47	6	0,8±0,33	18	2,4±0,57
Журавлев операцияси	8	1,1±0,39	3	0,3±0,21	11	1,5±0,46
Икрасимон мушакларда	49	6,9±1,0	60	8,5±1,0	109	15,4±1,4
Ахилл пайида	90	12,7±1,2	36	5,1±0,83***	126	17,8±1,4
Товонда	11	1,5±0,46	15	2,1±0,54	26	3,7±0,71
Жами	378	53,2±1,9	332	46,8±1,9*	710	100

Диссертациянинг «Церебрал фалажи бўлган болаларда нейро-ортопедик текширувлар натижалари таҳлили» деб номланган учинчи бобида текширилган беморларда ташхисланган нейроортопедик синдромлар келтирилган. 390 та беморнинг оёқларидаги контрактура ва деформациялар БЦФ шакли ва оғирлик даражасига биноан таҳлил қилинган, сурункали ва кечки резидуал босқичларининг клиник белгилари кўрсатиб ўтилган, мушаклар дисбаланси ва гипертонуси хисобидан ривожланган синдромлар ажратилган. Беморларда патологик синдромларни аниқлаш учун диагностик тестлардан фойдаланилган: аддуктор, ректус, ректус-ротацион, хамстринг ва трицепс. Текширилган болалар гемиплегияси ташхисли 76 (100%) беморларнинг касаллик оғирлик даражаси куйидагича эди: енгил - 8 (10,5%) бемор, ўртача – 45 (59,2%), оғир – 23 (30,3%). Барча 76 (100%) беморларда қоматнинг патологик асимметрияси кузатилган. ЧСБ соҳасида ички ротацион контрактура 3 та (3,9%) беморда аниқланган. Тизза бўғимининг букувчи контрактураси ҳам кам учради - 23 (30,3%) болада. Болалар гемиплегиясининг асосий белгиси эквинус бўлиб, у 100% учради. Бунда эквиноварус – 16 (21,1%), эквиновальгус – 7 (9,2%), эквинояссивальгус – 2 (2,6%).

Спастик диплегияси (314 - 100%) бўлган беморларда турли деформациялар аниқланган. Клиник белгилар симметрик (88,2%) ва асимметрик (11,8%) характерга эга.

Соннинг фақат аддукцион контрактураси 100 беморда белгиланган. Унинг сонни букувчи контрактураси билан биргаликда келиши 7 та болада

ташхисланган, соннинг ички ротацион деформацияси билан қўшилиши 30 та беморда аниқланган. ЧСБ соҳасида ҳаммаси бўлиб 137 синдром ташхисланган.

Тизза бўғимининг букувчи контрактураси қотгани 61 ҳолатда, қотмагани 52 ҳолатда аниқланган. 68%да контрактура тиззанинг вальгусли деформацияси билан бирга келган. Тизза бўғимининг букувчи контрактураси 113 пастки мучалда ташхисланган.

Товон соҳасида кузатилган деформациялар қуйидагича тақсимланган: эквинус 97 оёқда, эквиноварус –59, эквиновальгус –36, эквинояссивальгус – 21. Ҳаммаси бўлиб, спастик диплегияли беморларнинг 213 оёғида эквинус аниқланган. Бундан ташқари товоннинг яссивальгусли ва яссиварусли деформациялари белгиланган. Кам ҳолатда маймоқлик варус билан (18 бола), валгус билан (44 бола) қўшилиб, 31 беморда (70,5%) чуқурлашган, 13 беморда (29,5%) енгил тури аниқланган.


Шундай қилиб, нейроортопедик кўрик натижасида асосий синдромлар ташхисланган, уларнинг энг кўпини эквинус (425) ва соннинг яқинлаштирувчи контрактураси (354) ташкил этган (3-расмда қаранг).

Тадқиқотнинг кейинги босқичида беморларда аниқланган нейроортопедик синдромлар диагностик тестдан ўтказилди ва унинг натижасига асосан даволаш усуллари белгиланган.



3-расм. Текшириш натижасида аниқланган патологик синдромлар

Ректус-ротацион тестда аниқланган 26 (100%) деформациядан 23 (88,5%) болада мусбат, 3 (11,5%) болада манфий чиқди. 354 (100%) яқинлаштирувчи контрактура 296 тасида (83,6%) аддуктор тести мусбат, 58 тасида (16,4%) манфий эди. Барча 226 та (100%) хамстринг синдромнинг 104 таси (46,0%) манфий бўлгани учун ортопедик усуллар қўллаш режалаштирилган, 122 та (54,0%) қотган контрактурада жаррохлик амалиётлари тавсия этилган. Эквинус ташхисланган 525 та (100%) товоннинг 335 тасида (63,8%) трицепс-тест мусбат, 190 тасида (36,2%) манфий чиқди. Умуман олганда, 390 беморни диагностик тестлаш натижалари тақсимланиши 4-расмда келтирилган.



4-расм. Харакат синдромларини тестлаш натижалари

Биомеханик текширишларда аниқланган қотмаган контрактуралар қуйидагича эди: 1 бўғимда – 21 (5,4%) беморда, 2 та бўғимда 18 та (4,6%), 3 та бўғимда 17 та (4,4%) ва 3 тадан кўп бўғимда 12 та (3,1%) болада. Контрактураси қотмаган беморларнинг 56 тасида (14,4%) 1 бўғимда, 48 тасида (12,3%) 2 та бўғимда, 108 тасида (26,7%) 3 бўғимда кузатилган.

Рентгенологик ва МРТ текшириш натижалари ёзилган. Унда ЧСБ ни МРТ қилиш ҳисобидан қуйидагилар аниқланган: бўғим юзаси одатий конфигурацияда, аниқ контурлари билан - 31 ҳолатда; сон суяги бошчаси айланма, хажми меъёрда - 31 ҳолатда; чанок косачаси хажми меъёрда - 31, гипотрофия ҳисобидан кичрайган - 7; бойламлар, субхондрал қават патологик ўзгаришсиз - 23; бўғим капсуласи ўзгаришсиз - 25, гипертрофияланган - 9, бужмайган – 4 ҳолатда; параартикуляр мушаклар ўзгаришсиз - 27, гипотрофияланган - 9; синовит- 13 ҳолатда.

Тизза бўғими МРТ сида кузатилган маълумотлар: сон суягининг орқага ва ташқарига силжиши - 11 беморда; бўғим юзасининг торайиши - 11; орқа капсула гипертрофияси - 7; синовит - 19 ҳолатда.

Диссертациянинг «**Болаларда церебрал фалажнинг спастик шаклида ортопедик-жаррохлик даволаш усуллари**» деб номланган тўртинчи бобида БЦФ спастик шаклида оёқ контрактура ва деформацияларини даволаш учун қўлланилган ортопедик ва жаррохлик усуллари таърифлаб берилган. Аниқланган нейроортопедик синдромлар, уларнинг характери, диагностик тестлар натижалари асосида патологик синдромларни даволаш усулини танлаш алгоритми таклиф этилади.

БЦФ резидуал босқичида патологик ҳолатларни коррекцияловчи янги ва мукаммаллаштирилган жаррохлик усуллари таклиф этилади. Ректус-ротацион синдромининг жаррохлик давоси. Таклиф этилган «БЦФ да ЧСБ ротацион контрактурасини даволаш усули» (Патент № IAP 04076) қуйидагича бажарилади: бемор ёнбошига ётган ҳолатда. Катта вертел соҳасида тери 8-10 см кесилади ва очилади. Унга келиб ёпишган ўрта ва кичик думба мушаклари Z-симон кесилади ва узайтирилади. Сон ташқарига айлантиради. Олд капсула

пайпасланиб, бўйинча асосида П-симон кесилади. Сон ташқарига айлантирилганида, капсула бўйинча бўйлаб силжийди ва дефект хосил қилади. Мушаклар ва юмшоқ тўқималар қаватма-қават тикилади. Асептик бойлам ва деротацион гипсли бойлам қўйилади. Жами, 26 та жаррохлик амалиёти, шундан 17 таси – таклиф этилган усул ёрдамида бажарилди.

Хамстринг синдромини жаррохлик давосида Журавлев операцияси назорат гуруҳи беморларида ўтказилиб, унинг жараёни тўлиқ ёритилган: бемор қорнига ётган холда тиззанинг орқа юзасида тери 12-15 см кесилади. Букувчи мушаклар бирикадиган жойидан кесилиб, ипга олинади. Икрасимон мушаклар узунасига 3-4 см кесилади. Кесим ичига букувчи пайлар жойлаштирилиб, иплар орқали трансмускуляр тикилади. Тери қаватма-қават тикилгач, тугорли гипс бойлами қўйилади. Тиззани букувчи пайларида жаррохлик амалиёти бажарилгандан сўнг контрактура қисман сақланиб қолганда, таклиф этилган «tizza бўғими орқа капсулотомияси» жаррохлик амалиёти асосий гуруҳ беморларида бажарилди. Операция техникаси: букувчи пайларда жаррохлик усули бажарилгач, ўтмас холда тизза орқа капсуласи очилади. Капсула соннинг дўнглари соҳасидан бошлаб Z-симон кесилади. Тизза бўғимида букувчи-ёзувчи ҳаракатлар бажарилганда, капсула пастга қараб силжийди ва дефект хосил қилади. Операция одатий холда тугатилади. Тизза бўғимида жами 173 та жаррохлик амалиёти, шундан 18 таси таклиф этилган усул ёрдамида бажарилди.

Трицепс синдром жаррохлик давоси. БЦФ эквинусли деформациясида ортопедик ва жаррохлик усуллари танлаш учун алгоритм ишлаб чиқилган. Эквинусли деформация аниқланганда, жами 237 та жаррохлик амалиёти бажарилган, ундан 56 тасида икрасимон мушакни апоневротик узайтириш, 9 та беморда тизза рекурвациясини коррекциялаш, 28 беморда ахиллопластика олдиндан ўлчанган холда, қолган холларда ҳаммага таниш усулларда (Байер ва Вульпиус) бажарилган.

Товон деформациялари жаррохлик даволаш усуллари. Ахиллопластика бажарилгандан сўнг эквинусни тўлиқ йўқотиш учун товон бўғими орқа капсулотомияси жаррохлик усули таклиф этилди.

Операция техникаси: Ахилл пайи узайтирилгач, пай остида капсула аниқланади. Орқа капсула кўндалангига 3-4 смли П-симон кесилади, яра қаватма-қават тикилади. Товон деформациясини тўғрилаш мақсадида жами 26 та операция бажарилган.

Диссертациянинг «**Церебрал фалажи бўлган болаларда операциядан кейинги босқичли реабилитация хусусиятлари**» деб номланган бешинчи бобида БЦФ спастик формаси билан даволанган беморларнинг жаррохликдан кейинги реабилитацияси хусусиятлари кўрсатиб ўтилган. Даволовчи гимнастика босқичма-босқич ўтказилган:

I босқич – иммобилизация. Учинчи кундан бошлаб чоклар соҳасига «Мустанг-016» асбоби ёрдамида магнитолазерли даволаш буюртирилди.

Ундан сўнг лазерли рефлекс даво ўтказилди. Лазерли акупунктуранинг нинали санчишлардан афзаллиги: усулнинг оғриқсизлиги, таъсирнинг

ноинвазивлиги, асептиклиги, марля ёки гипс бойламлари орқали таъсир қилиш мумкинлиги, кам вақт талаб қилиши;

II босқич – гипс бойлам ечиблиб, ортезлар кийилган давр. Бу босқичнинг хусусияти шундаки, Германия мутахассислари томонидан таклиф этилган «Мотомед» махсус реабилитацион мосламаси ишлатилган. Бемор чарчаганида актив-пассив ҳаракатларни мосламанинг ўзи автоматик ҳолда давом эттиради. Ҳар куни 10-15 дақиқа, кейинги кунлари ошиб борган ҳолда, 15 кун давомида ишланади.

III босқич - тикланиш. Бу босқичнинг хусусияти «Solo» номли махсус осилиб юришни ўргатувчи мосламани қўллашдир. Мосламанинг афзалликлари: таъсирнинг ноинвазивлиги, хавфсизлиги, методистларнинг минимал қатнашуви, болага оғирлиги тушмаслиги.

Диссертациянинг «**Церебрал фалажи бўлган болаларни даволаш натижаларини баҳолаш**» деб номланган олтинчи бобида ортопедик ва жаррохлик даво усулларининг яқин ва узоқ муддатдаги натижалари келтирилган. Ботулотоксин-А дорисини санчишдан кейинги натижасини аниқлаш мақсадида «БЦФ беморларида ботулотоксин-А санчиши самарадорлигини кузатиш» махсус картаси ишлаб чиқилган. Ботулотоксин дорисидан сўнг яхши ижобий натижа 49 (65,3%) беморда кузатилган, улардаги мушаклар тонуси ва бўғимдаги динамик контрактураси 50% дан кам бўлмаган ҳолда камайган. Беморларда гониометрик кўрсаткичлар 50%дан ошиқ яхшиланган. Ижобий ўзгаришлар 20%дан ошганида қониқарли баҳо берилган ва бундай кўрсаткич 23(30,7 %) болада кузатилган. 3(4,0%) беморда кўрсаткичлар ижобий динамикаси 20% дан ошмаган, улардаги самарадорлик «ўзгаришсиз» деб баҳоланган. Дорининг беморларга ва ҳаракат аъзоларига ножўя таъсири кузатилмаган.

